

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 18 февраль, № 36 (4699)

Чоршанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 февраль куни Оқсаройда АҚШ куролли кучлари Марказий кўмондонлиги кўмондони Дэвид Петреусни қабул қилди.



— Ташрифингизни Ўзбекистон-АҚШ муносабатларидаги муҳим воқеа деб ҳисоблаймиз. Чунки бу АҚШ янги маъмурияти вакилининг илк ташрифидир. — деди Ислам Каримов. — Ушбу учрашув ҳамкорликка доир масалалар ва минтақадаги вазият юза-

сидан фикр алмашиш учун яхши имкониятдир.

Ўзбекистон барча мамлакатлар билан тенглик, ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида, икки томонлама манфаатдорлик нуқтаи назаридан ҳамкорлик қилиш тарафдоридир. АҚШ билан мав-

жуд ҳамкорлик ҳам Ўзбекистон манфаатларига тўла жавоб беради.

Д. Петреус самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлиги нафақат икки мамлакат манфаатларига, балки таҳдидларнинг ол-

дини олиш ва бартараф этиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризмга, нарко-

трафикка, оммавий қирғин куроллари тарқалиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш борасида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)
С. ҲУСНОВ
олган суратлар.

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАФИШЛАНДИ

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юқини бошқича-бошқича камайитириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови 10 фоиздан 8 фоизга, жорий йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи ставкаларининг камайитирилиши ва айти пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Натижада сўнги олти йил мобайнида фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони 1,9 баробар кўпайди ва 2008 йили қарийб 400 мингтаи ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасида Президентимизнинг маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган ҳайъат йиғилишида шунлар ҳақида сўз борди.

Қўмита раиси Б. Парпиев давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнаомлигида иқтисодий эркинлаштириш борасида амалга оширилган кенг қамровли ислохотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, жумладан, уларга солиқ имтиёзлари берилаётгани бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ривожланишнинг фаолият курсатиши ва ўсиш суръатларини изчил таъминлаш имконини бермоқда. Жаҳонда

молиявий инқироз рўй бераётган ҳозирги шароитда бу янада яққол намоён бўлмоқда.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилган изчил чора-тадбирлар мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, 2008 йил учун бюджет даромадлари бўйича белгиланган прогноз курсаткичлари 102,3 фоиз бажарилиши билан бирга, солиқ қардорлигини ундириб олишда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Солиқ идораларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда амалга оширган тадбирлари натижасида нақд пул тушуми 2008 йил давомида 1,7 баробарга ўсди.

Йиғилишда бу каби ишлар қўламини янада кенгайтириш ва давлатимиз раҳбари томонидан солиқ тизими олдига қўйилган устувор вазифаларга бажарилишини изчил таъминлаш лозимлиги алоҳида таъкидланди. Президентимиз маърузасини давлат солиқ хизмати органлари шахсий таркиби томонидан пухта ўрганилиши ва тизим ўқув юрталарида машғулотлар бўйича машғулотлар ташкил этилиши белгилаб олинди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 29 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроеқтисодий курсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори талабларига асосан меъёрий ҳужжатларга киритилган

(Давоми 2-бетда).

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» маърузасини ўқиб

Бозор иқтисодиёти шароитида барча соҳа ва тармоқларнинг изчил фаолият юритишида молия муассасаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, банкларнинг барқарор фаолияти барча иқтисодий механизмларнинг тўлиқ ва самарали ишлашини таъминлайди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар жаҳон иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги шароитда, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли — иқтисодий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели узокни кўзлаган тўғри йўл экани бугун мамлакатимизнинг банк тизими мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Тижорат банкларининг қўламли рағбатлантириш ва уларнинг фаолиятини кучайтириш, инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базаларини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган банк-молия хизматлари сифатини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган амалий ишлар ўз самараларини бермоқда.

Молия муассасаларининг қўллаб-қувватлаши орқали тобора ривожланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиши ва сервис соҳаси мам-

лакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, инвестициявий фаолиятни кенгайтириш каби долзарб масалалар изчиллик билан ҳал этилишида муҳим омил бўлмоқда. 2008 йилда мамлакатимиз Президентининг «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асакабанк», «Пахтабанк», «Галлабанк» каби етакчи банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш бўйича муҳим қарорлар, «Микрокредитбанк»нинг низом жамғармасини қўлайлаштиришга оид фармон қабул қилинган ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашдаги ишлар қўламини кенгайтириш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Банкларимиз томонидан ажратилган кредитлар ва кўрсатилаётган лизинг хизматлари мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасининг изчил ривожланишига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Қўрилаётган ана шундай чора-тадбирлар туфайли кичик бизнеснинг мамлакатимиз янги ички маҳсулотларидаги улуши 2007 йилдаги 45,5

фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроги айнан шу соҳада меҳнат қилаётди. Фермер хўжалиқларининг 2008 йилда пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, галла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил қилди.

Шу ўринда минтақамиз мамлакатларидан бирида бу борада вужудга келган вазиятни қайд этиш жоиз деб ўйлаймиз. Хориж оммавий ахборот воситаларининг таъкидлашича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 99 фоизи муҳсулот ишлаб чиқаришдан узоқ соҳа — олди-сотди ва воситачилик билан бандлиги туфайли ўша мамлакат иқтисодиёти жиддий зарар кўрмоқда.

Ўзбекистон банк тизимининг кўмаги саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш, қайта ишлаш каби тармоқларни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. Жумладан, «Галлабанк»нинг кредит қўйилмалари 2008 йилда 53,9 фоиз ортди. Бу эса мамлакатимизнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга замонавий технология ва ускуналарни жалб этиш ҳамда кенгайтириш, қўллаб-янги иш ўринларини яратишда қўшимча имкониятлар яратди. Масалан, банк томонидан «Шахрисабз мебель» корхонасига ажратилган 350 миллион сўм микродариди кредит худуд

(Давоми 2-бетда).

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ

аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим омилдир

Унда поёнига етган йилда барча соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг амалий натижалари, эришилган ютуқлар, шунингдек, йўл қўйилган хато ва камчиликлар атрофида таҳлил қилиниб, келгуси режалар хусусида ҳам батафсил сўз юритилди.

Кўп эътибор қиламан. Давлатимиз раҳбари ҳар бир қишлоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, бу соҳанинг тараққиёти биз учун муҳим аҳамиятга эга эканини бот-бот таъкидлайдилар. Чунки кичик бизнеснинг ривожланиши, энг аввало, аҳолини иш билан таъминлашдек ўта долзарб бўлган вазифани ҳал этишнинг самарали йўлидир. Бу дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибасидан ҳам кўришиб турибди. Келтириб ўтилганидек, бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроги айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда. Демак, юртдошларимиз асосий қисмининг турмуши, рўзғори, оидий қилиб айтганда, бугунгидек фаровон ҳаёти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг тўғри ташкил этилгани билан боғлиқдир.

Ҳар куни телевидение, матбуотда берилаётган ахборотларни кузатиб бораёلمиз. Ҳозир жаҳонда молиявий инқироз масаласи жиддий муаммага айланган. Қўллаб-қувватлаш орқали корхона ва ташкилотлар орқали харажатларга чек қўйиш, иқтисодий қийинчиликка барҳам бериш мақсадига иш ўрин-

лари сонини кескин қисқартирмоқда. Унинг қандай самара бераётгани ўз йўлига. Лекин бундай чора-тадбирлар оқибатида қанчадан-қанча одам ишсиз қолаётди. Шунларни кўрганда, давлатимиз раҳбарининг узокни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсатининг моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилмоқдамиз. Сабаби, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига ўз вақтида йўл очиб берилгани, қўллаб-қувватлангани беҳиз эмаслиги бугунги инқироз даврида яна бир қарра ўз исботини топди.

Мамлакатимизда кичик бизнеснинг янги ички маҳсулотдаги улуши тобора ўсиб бормоқда. Маъмул равишда таъкидланганидек, бу борадаги курсаткич 2007 йилда 45,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда 48,2 фоизга етди. Мана шу натижаларда, озми-кўлими, бизнинг ҳам хиссамиз борлиги жамоамиз аъзоларига ўзгача гурур ва ифтихор бағишлайди.

Корхонамиз мустақиллик билан тенгдош. Қурилиш соҳасида фаолият олиб борамиз. Виллоятимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида иштирок этиб келмоқдамиз. Жамоамизда 22 киши меҳнат қилади. Уларнинг сарой-харақати туфайли ҳар ойда ўртача 4-5 миллион сўмдан ошириб соф фойда олмақдамиз. Бу, аввало, ҳар биримизнинг турмуш фаровонлигимизга хизмат қилаётди, қолаверса, фаолиятимизни ривожлантиришга ҳам имкон бераётди.

(Давоми 2-бетда).



Саноатимизнинг шахдам одими

2008 йилда республикамизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизга ўсди.

Яқунланган йилда жойларда қўллаб-янги саноат корхоналари ишга туширилгани, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш орқали юқори самарадорликка эришилгани тармоқда шундай ўсишни таъминлади.

Мамлакатимизда журналистика соҳасида ўтказилаётган танловлар кўп. Муҳими, бундай танловлар ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга хизмат қилаётти. 2006 йилдан эътиборан эса улар қаторига яна бир нуфузли халқаро танлов қўшилди. Ўртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан таъсис этилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун ўтказилаётган мазкур танлов жорий йилда тўртинчи бор эълон қилинди.

Шу муносабат билан «Олтин қалам» мукофоти учун 2009 йилда эълон қилинган танловнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, «Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси Шерзод ҲУЛОМОВ билан суҳбатлашдик.

«Олтин қалам»: МАҲОРАТ РАҚОБАТДА СИНАЛАДИ

— Журналистлар ўртасида соғлом ижодий рақобатнинг юзага келишида танловларнинг ўрни катта. Бу борада «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун ўтказилаётган халқаро танловнинг аҳамиятига қандай баҳо берасиз?

— Мамлакатимизда ижод аҳлига, хусусан, журналистика соҳасида фаолият юритаётган ходимларга давлатимиз, Ўртбошимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан фахрланасан арзийди. Қувончларимиз, бугун, ҳатто, хайрли ишларга иштиёқмандликнинг ўзи ҳам рағбатга лойиқ топилаётти. Айни пайтда биргина журналистика соҳасига дахлдор ўнлаб танловларнинг ўтказилаётгани бунинг яққол далилидир. Жумладан, Ўзе-

бекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилган «Наврўз — боқий байрам», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуг, энг азиз» сингари танловларда ҳар йили юздан зиёд ижодкор юртдошларимиз голиб ва совиёрдорлар сифатида рағбатлантириляпти. 2006 йилдан эътиборан журналистика соҳасида «Олтин қалам» Миллий мукофотининг таъсис этилиши ҳамда ушбу мукофот учун халқаро миқёсда танлов эълон қилиниши эса республикамиздаги оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

(Давоми 4-бетда).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қинғир ишнинг қийғи

Лондоннинг Хитроу аэропорти божхона хизмати ходимлари Йоханнесбургдан учиб келган самолёт экипаж аъзоларини ҳибсга олди. Бу ҳақда «France Presse» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Манбада келтирилишича, экипаж аъзоларидан бирининг сумкасидан беш килограмм кокаин гиёҳванд моддаси топилган.



Шу ўринда айтиб ўтиш жоиз, сўнгги пайтларда Хитроу аэропортида юқоридагидек ҳолатлар тез-тез кузатилаётган. Жумладан, жорий йилнинг январь ойида ҳам «South African Airways» авиакомпаниясининг ўн беш нафар ходими мамлакат ҳудудига гиёҳванд моддалар олиб киришга урингани учун қўлга олинган. Ушанда уларнинг сумкаларидан 50 килограмм марихуана гиёҳванд моддаси далилий ашё сифатида топилган.

Қуйиш вақтида тўкилган

Қарийб 300 тонна мазут Атлантика океанига тўкилиб кетган.

«ИТАР-ТАСС» ахбороти-га кўра, сувнинг ифлосланган қисми Ирландиянинг Корк бандаргоҳига яқин жойда аниқланган. Мамлакат транспорт вазирлигининг билдиришича, мазут

Россия ҳарбий денгиз флоти кемаларига ёниги қуйиш вақтида океанга тўкилган.

Воқеа юзасидан текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёнғинни жиловлаб бўлмапти

Австралия ўрмонларидаги ёнғинни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар қўйилган самарани бермапти.




Олиб борилаётган тезкор ҳаракатларга қарамай, талафот ҳажми тобора кенгайиб борапти. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабарига келтирилишича, айти пайтгача тилсиз ёв қарийб 200 нафар одамнинг умрига зомин бўлган. Бу рақамлар яна ошиши мумкинлиги айтилмоқда. Олов 1800 та турар-жой биноси ва 3900 квадрат метр майдонга жиддий зарар етказган.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатда ҳавонинг қаттиқ исиб кетгани ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлган. Австралия тарихида бундай йирик табиий офат охири бор 1983 йилда кузатилган бўлиб, ушанда 75 киши ҳаётдан қўз юган.

Танкерда фалокат

Қора денгизда Туркияга тегишли бўлган танкерда ёнғин юзга келган, дейилади «Associated Press» ахборот агентлиги хабарига.

Бахтсиз ҳодиса туфайли экипаж аъзоларидан икки нафари тан жароҳати олган. Ҳукумат вакиларининг маълумотларига қараганда, танкердаги юларга ҳеч қандай зиён етмаган. Ёнғинни бартараф этиш учун Истамбулдан махсус гуруҳ жалб қилинди.



бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Уч минг кишини тўйдиради

Хорватиянинг Вункович шаҳрида узунлиги 530 метрга етадиган сосиска тайёрланди. Бунинг учун 400 килограмм гўшт, 10 килограмм туз, 3,5 килограмм саримсоқ пивз ишлатилди.



Шоу-тадбир ташкилотчилари ушбу сосиска дунёдаги энг узунни эканини ва уч минг кишини тўйдириши мумкинлигини айтиб ўтишган. Шунингдек, улар келгуси йили бир километр узунликдаги сосиска тайёрлашга уриниб кўрмоқчиликларини билдиришган.

Эслатиб ўтамиз, бу борада жаҳон рекорди руминиялик пазадларга тегишли. Улар 2008 йилда 392 метрлик сосиска пиширишиб, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олишга муваффақ бўлишган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Биокимё институти олимлари томонидан қандли диабет касаллигини эрта аниқлаш имконини берувчи автоматик тизим ишлаб чиқилди.

Тизим оёқ қафтининг анатомик ва функционал ҳолатини таҳлил қилувчи қурилма ҳамда маълумотларни қайта ишловчи компьютердан иборат бўлиб, диабетли тоvon диагностикаси ва мониторингини олиб

Изланиш

бориш имконини яратади. Ундан стационар, шунингдек, портатив (кўчма) ҳолда фойдаланиш мумкин. Тизимнинг дастлабки нусхаси Республика Эндокринология илмий марказида клиник синовдан ўтказилди. Тадқиқотларнинг курсатишича, касаллиқни эрта ташхислашдан ташқари, ҳар бир ҳолат бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек, касаллик тарихини олиб бориш мумкин.

Одилхўжа ПАРПИЕВ.

АЗИЁ ҚУРДОШЛАРИ!

«ИПОТЕКАБАНК» АТИБ

сизнинг эътиборингизга қуйидаги янги омонат ва депозит сертификатларини таклиф этади:

Жисмоний шахслар учун мўлжалланган омонат сертификатлари*

Муомалада бўлиш даври — 180 кунгача.
Даромадлилик даражаси — йиллик 18 фоизгача.
Омонат сертификатлари — қимматли қоғозларни тақдим этувчига.

Юридик шахслар учун мўлжалланган депозит сертификатлари**

Муомалада бўлиш даври — 360 кунгача.
Даромадлилик даражаси — йиллик 8 фоизгача.
Депозит сертификатлари — эгаси ёзилган.

* Омонат сертификатлари жисмоний шахсларга сотиш учун мўлжалланган. Омонат сертификатлари банкнинг Тошкент шаҳридаги жамғарма кассалари орқали сотилади.

** Депозит сертификатлари юридик шахсларга сотиш учун мўлжалланган. Депозит сертификатлари банкнинг бош амалиёт бошқармаси орқали сотилади.

Хизматлар лицензияланган.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олишингиз мумкин: 150-98-19. Факс: 150-89-52.

НОВЫЙ NISSAN X-TRAIL

Товар сертифицирован

X-TRAIL

Надежный, мощный, технологичный новый Nissan X-TRAIL – Ваш пропуск в мир независимых технологий.

СПЕЦИАЛЬНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ

от официального дистрибьютора Nissan в Узбекистане – компании Premium Auto. ☎ 295 88 77

Цена от \$ 51 000, гарантия – 2 года, или 50 000 км пробег + ОСАГО в ПОДАРОК

*Цены указаны с учетом таможенных платежей.

inan makina

гидроболгалар ишлаб чиқарувчи

«Дипс-Юнион» МЧЖ «Inan Makina» компаниясининг Ўзбекистондаги расмий сервис маркази ҳисобланади.

MTB ГИДРОБОЛФАСИ

огирлиги 1 тоннадан 100 тоннагача бўлган экскаваторнинг осма укунаси ҳисобланади. Ундан 1 дан 4 гача бўлган категорияли тоғ жинеларини кулатишда, 5 ва 6-категорияли қояларни майдалаш ҳамда музлаган ерларни юмшатишда, монолит ва блокли пойдеворларни бузишда фойдаланилади. БУЮРТМА БИЛАН

«Дипс-Юнион» МЧЖ кафолатли ва кафолат муддатидан кейин ҳам хизмат кўрсатади ҳамда «Inan Makina» компанияси ва дунёнинг бошқа етакчи ишлаб чиқарувчилари гидроболгалари учун эҳтиёт қисмлари етказиб беради.

Шунингдек, таъмирлаш ишларини бажарали ҳамда улгуржи етказиб берувчининг Тошкентдаги ombоридан бозордагидан арзон нархларда дунёнинг йирик ишлаб чиқарувчилари (KOMATSU, LIEBHERR, CATERPILLAR, JCB) йўл-қурилиш техникалари учун эҳтиёт қисмларини етказиб беради.

Тел.: (+99871) 2322807. Факс: (+99871) 2322809.

Махсулот сертифициланган. Моб. (+99890) 1861086.

Ўзбекистон, Тошкент ш., Амир Темур шоҳқўчаси, 45/17. E-mail: dip-yn@xnet.uz

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

болалиқдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- хомиладор аёлларни перинатал скрининг текширувларидан ҳамда чақалоқлардаги туғма гипотериоз, фенилкетонурия ва муковисцидозни аниқлаш учун «Дельфия-Виктор» аппаратида ишлатиладиган диагностик тўпламлар;
- туғма фенилкетонурия ташхиси қўйилган чақалоқлар учун болалар шифобаҳо озиғи.

Мақзур лойиҳа доирасида тендерга эълон қилинган махсулотларни ишлаб чиқариш ва етказиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар тендер савдосида иштирок этишга таклиф этилади.

Тендерда иштирок этишда имзоланган ариза ҳамда тўловнома нусхаси «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасига топширилгандан кейин қуйидаги манзилдан шахсан ёки курьер хизмати орқали тендер ҳужжатлари тўпламини олиш мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи – 700 (етти юз) АҚШ доллари ёки эквивалент миқдорда ўзбек сўмида тўлов ўтказиладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича.

Банк орқали тўлов қуйидаги ҳисоб рақамларига ўтказилиши керак:

- АҚШ долларида: ҳисоб рақами 20212 84060 04313 38001, банк коди 00407, ГОО НБ ВЭД РУ, СТИР 200 548 507;
- миллий валютада: ҳисоб рақами 20212 00000 04313 38001, банк коди 00407, ГОО НБ ВЭД РУ, СТИР 200 548 507.

Тендер ўтказилишига доир саволлар билан қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз сўралади:

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси (собик Охунбобоев), 15-уй. Тел./факс: (+998 71) 232-00-82. E-mail: fondsau@yahoo.com

Тендер таклифларини тақдим этиш мuddати — 2009 йил 17 март кунини Тошкент вақти билан соат 18.00 гача.

TURONIMPEKS SERVIS

VOLVO корпорациясининг расмий вакили

сизга Volvo русумидаги замонавий юк автомобиллари, қурилиш техникалари ва уларга эҳтиёт қисмларни буюртма асосида етказиб беришни таклиф этади.

Манзилимиз: 100000, Тошкент ш., Нибёзбек йўли к., 1-уй. Тел.: +998 71 120-66-20. Факс: +998 71 120-66-30. E-mail: volvotruckuz@buzton.com

АТИБ «Ипотекабанк»нинг Юнусобод филиалига тегишли бўлган қатъий ҳисобда турувчи Ф-0402005 (Ф-430) шаклдаги ИРВ 4661019-рақамдан ИРВ 4661050-рақамгача бўлган қимматли қоғозлар йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЕВРО ОКНА И ДВЕРИ

ПО ИНДИВИДУАЛЬНОМУ ЗАКАЗУ И ЕВРОПЕЙСКИМ КАТАЛОГАМ ИЗ ДЕРЕВЯННОГО МАССИВА

«На самый изысканный вкус»

Форма оплаты – любая. Замеры и доставка – БЕСПЛАТНО.

Тел.: 775-45-75, 262-63-45. Факс 262-39-66.

Завод ТЕМЗ изготавливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

■ максимальная грузоподъемность – 8 т
■ максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)
■ максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

- максимальная грузоподъемность – 14 т
- максимальная высота подъема – 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность – 16 т
- максимальная высота подъема – 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность – 25 т
- максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66. E-mail: toemz@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

SONATA Ўз йўлингни танла!

КАФОЛАТ – 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner

Tel. 250-11-11

Спорт
Кучлилар
финалга
чиқишди

Навоий шахрида республика "Талаба" спорт уюмиси ташаббуси билан волейбол бўйича худудий мусобақа бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм ва Навоий вилоятларининг талаба-спортчилари иштирок этишди.

Уғил болалар орасида Навоий қончилиқ институти жамоаси учрашувлари муваффақиятли ўтказиб, биринчи ўринни эгаллади. Таъкидлаш лозимки, ушбу институти талабалари Ботир Абдуллаев, Шухрат Ёлғоров, Олим Бобомуродовлар ўзбекистон волейбол терма жамоаси таркибига киритилди.

Мусобақанинг республика финал босқичи жорий йилнинг март-апрель ойларида Тошкент шахрида бўлиб ўтади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.


«Севинч»нинг навбатдаги ютуғи

Қаршининг «Севинч» жамоаси Россияда мини-футбол бўйича аёллар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда бош совринни қўлга киритди.

Қурдошларимиз нуфузли турнирдаги барча учрашувлари йирик ҳисобдаги галаба билан аяқуладилар. Жамоа аъзоларидан Махфуза Туробова «Энг яхши ўйинчи», Ольга Ким эса «Мусобақа гузали» номинациялари қўлиб олинган учун тасвир этилган махсус совринлар билан тақдирландилар.

Мини-футбол бўйича ўзбекистон чемпионатининг 2-тур бахслари 26 февралдан 3 мартга қарши шахрида бўлиб ўтади. Москвадаги турнир қаршилик қизлар учун масъулиятли беллашувлар олдидан катта тайёргарлик вазифасини ўтади.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда).

гани эътироф этилмоқда. Бунинг амалий тасдиғини қандай мисолларда кўришимиз мумкин? — «Олтин қалам» I Миллий мукофоти учун эълон қилинган дастлабки танловда 136 нафар журналист 1669 та ижодий иши билан қатнашган эди. Утган йили бу кўрсаткич қарийб беш баробарга ошди. Яъни, 2008 йилда 7 мингдан зиёд материаллари билан иштирок этган 557 нафар журналист орасидан голиб ва совриндорлар аниқланди. Бундан аён бўладигани, маҳаллий

асосий ва 14 та рағбатлантирувчи мукофот учун)га етди. Қолаверса, 2008 йилда танлов мукофот жамғармаси 62 миллион 500 миң сўмдан зиёдни ташкил этган бўлса, жорий йил 100 миллион сўмдан ошди. Танлов голиблари ва совриндорларига бериладиган мукофотлар ҳамда уларни тақдирлаш маросимини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томо-

кофоти голибларини тантанали равишда тақдирлаш тadbрида БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам уларни тасвир этган қатор рағбатлантирувчи мукофотлари билан фаол иштирок этишмоқда. Бу — танлов хорижий журналистлар билан бир қаторда, чет элдоги нуфузли ташкилотларнинг ҳам қизиқишларига сабаб бўлаганидан далolat беради.

— Табиийки, голиблик учун журналистнинг нуфузи эмас, балки унинг маҳорати асос бўлади. «Олтин қалам»да юртимизнинг марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган маҳаллий ижодкорларнинг иштироки ҳамда уларнинг голиб ва совриндорлар сафидан жой олиши бунга ёрқин далил. Шундай эмасми?

— Танлов ўтказилган дастлабки йилларда юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи баъзи ижодкорлар марказий нашрлар ёки телерадио каналлари ходимлари қаторида, айтайлик, туман газетаси вакиллари голибликка эришиши қийин, деган фикрда эдилар. Бироқ танлов натижалари бу мулоҳазаларнинг асосиз эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Ахир танловда маҳорат ўз сўзини айтди. Масалан, утган 2008 йилда «Олтин қалам» иштирокчиларининг яримдан кўпини Қорақалпоғистон Рес-

публикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган маҳаллий журналистлар ташкил этди. Шу йили «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмилов, Фарғона вилояти Олтиариқ туманида чоп этиладиган «Давр овози» тахририяти ижодий жамоаси, Марғилон шаҳрида фаолият юритувчи «Рухсор FM» радиостанцияси муҳбири Хуршидабону Йўлдошева, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг Тил ва адабиёт институти директори Аймурот Алниязов сингари ижодкорлар голибликка эришиб, III Миллий мукофот билан тақдирландилар. Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин.

— Танловга тайёргарлик борасида амалга оширилган ишлар ҳусусида ҳам тўхталсангиз.

— Айни пайтда танлов шартлари матбуотда эълон қилинди. Телевидениеда ҳам махсус роликлар эфирга узатиляпти. Танлов ташкилий қўмитасига мурожаатлар, телефон рақамларига қўллаб-қўвирилган бўлапти. Тақдим этилаётган материаллар салмоғи кун сайин ортиб бормоқда. Хатто материаллари ортиқ тармоғи орқали жўнатишни лозим кўрмай, ташкилий қўмитамизга юртимиз олис ҳудудларидан йўл босиб келадиган журналистларимизни кўриб, «Олтин қалам»нинг нуфузи ортиб бораётганига яна бир бор амин бўлади, киши.

Танлов голибларини тантанали тақдирлаш маросими жорий йилда ҳам аянаган мувофиқ 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кўни арафасида, пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида ўтказилади. Айни пайтда ушбу байрамона кечани ташкил этиш, концерт дастурини саҳналаштириш устида Ўзбекистон санъат арбоби, режиссёр Насир Отабоев бошчилигидаги ижодий гуруҳ иш олиб бормоқда.

Танловнинг ташкилий жиҳатдан янада сермаҳсул ва қизгин ўтиши учун Республика журналистлари қайта тайёрлаш маркази, Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан яқиндан кўмак берилаяпти. Мухими, жорий йилда «Олтин қалам» Миллий мукофоти ўз салоҳияти билан янада юксак поғонага кўтарилишидир.

Фаррух БЎТАЕВ суҳбатлашди.

«Олтин қалам»: МАҲОРАТ РАҚОБАТДА СИНАЛАДИ

ва хорижий журналистларнинг мазкур танловга бўлган қизиқиши йил сайин ортиб бораёпти. Шунингдек, илк бор танлов матбуот, телевидение, радио йўналишлари бўйича ўтказилган бўлса, ўтган даврда улар қаторига интернет журналистикаси ҳам қўшилди. Бинобарин, ҳар бир йўналиш бўйича аввал атиги битта мукофот жорий этилган бўлса, 2007 йилдан эътиборан ҳар бир йўналишда биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги учта, жами 12 та асосий мукофот ташкил этилди. Энг диққатга сазовор жиҳати, уша йили Бош миллий мукофот тасвир этилди. Бу номинацияда голиб бўлган журналист ёки жамоа махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишонини, статуткаси ҳамда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Бундан ташқари, танловга янги номинацияларнинг қўшилиб бораётгани ҳам қувонарли ҳол. Бу, ўз навбатида, ижодкорларимизни янада кенгроқ қамровда рағбатлантириш имконини бераёпти. Хусусан, жорий йилда танловга яна икки — «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган энг яхши материал учун ҳамда «Энг яхши матбуот хизмати» номинациялари киритилди. Натижада 2009 йилда тақдирланадиган танлов голиблари ва совриндорлари сонини 27 нафар (битта бош миллий мукофот, 12 та

нидан ажратилиши кўзда тутилган. — «Олтин қалам»нинг халқаро нуфузи, унда хорижий журналистларнинг иштироки ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Оқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бугун Ўзбекистон — дунё нигоҳида. Шу сабабдан хорижий мамлакатларнинг нуфузли босма ва электрон нашрларида, телевидение ҳамда радио тармоқларида кунда-кунора юртимиз ҳақида таҳлилий материаллар эълон қилинаёпти, кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатиляпти. Албатта, бу барчамизни беҳад қувонтиради.

«Олтин қалам» танловига тўхталсак, унда нафақат маҳаллий, балки қўллаб-қўвирилган хорижий журналистлар ҳам қатнашиш истagini билдирмоқдалар. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу Миллий мукофотнинг битта номинацияси хорижий журналистлар учун мўлжалланган. Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги бир номинация «Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун» деб номланади. Утган йилларда Россия, Озарбойжон, БАА, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари мазкур номинация бўйича танловда иштирок этиб, асарияти голибликни қўлга киритди. Шунингдек, «Олтин қалам» Миллий му-

кофотлари билан бир қаторда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган маҳаллий ижодкорларнинг иштироки ҳамда уларнинг голиб ва совриндорлар сафидан жой олиши бунга ёрқин далил. Шундай эмасми?

— Танлов ўтказилган дастлабки йилларда юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи баъзи ижодкорлар марказий нашрлар ёки телерадио каналлари ходимлари қаторида, айтайлик, туман газетаси вакиллари голибликка эришиши қийин, деган фикрда эдилар. Бироқ танлов натижалари бу мулоҳазаларнинг асосиз эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Ахир танловда маҳорат ўз сўзини айтди. Масалан, утган 2008 йилда «Олтин қалам» иштирокчиларининг яримдан кўпини Қорақалпоғистон Рес-

Танловнинг ташкилий жиҳатдан янада сермаҳсул ва қизгин ўтиши учун Республика журналистлари қайта тайёрлаш маркази, Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Миллий телерадиокомпания, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан яқиндан кўмак берилаяпти. Мухими, жорий йилда «Олтин қалам» Миллий мукофоти ўз салоҳияти билан янада юксак поғонага кўтарилишидир.

Республика Кўчмас мулк биржаси — 15 ёшда!

«РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ ва унинг худудий филиаллари

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

- 1. РКМБ марказий идорасида 2009 йил 9 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтказилган аукцион савдосига тақдоран «Yanjiyo! don mahsulotlari» ОАЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 12 декабрдаги 11-0622/11463-сонли қарорига асосан банкорт деб эътироф этилган ҳамда кредиторлар қўмитасининг 2009 йил 12 февралдаги қарорига асосан жамиятнинг Тошкент вилояти, Янгиўй шаҳри, Чарикова кўчаси, 18-ўйда жойлашган мол-мулклар мажмуаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.

- 9. Самарқанд тумани, Гўлобод кўрғони ва Самарқанд шаҳри, Беҳил кўчасида жойлашган қурилиш майдони 2523,98 кв.м., умумий майдони 8516,88 кв.м. бўлган «Парвина М» МЧЖга тегишли бинолар, асбоб-ускуналар ва хона жихозлари бир бутун мажмуа сифатида. Бошланғич баҳоси — 2 709 221 976 сўм.

- 1. Самарқанд тумани, «Боғибаланд» ҚФЙ, Қўндисўфи қишлоғида жойлашган, умумий майдони 816,44 кв.м. бўлган, ХЕАТБ «Парвина-банк»ка тегишли дорихона ва савдо мажмуаси бинолари. Бошланғич баҳоси — 127 896 790 сўм.

- 12. Тайлоқ тумани, Давлатобод қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 5656 кв.м. бўлган «Парвина» фермер ҳўжалиғига тегишли бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси — 64 283 000 сўм.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ОБ-ҲАВО (18 февраль)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб туради, ёғингарчилик бўлмайдми. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

ООО «Росагропромснаб» предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые «Гобой-1»
Цена - от 1 365 000 сум.

Республика нейрохирургия илмий маркази жамоаси марказ директори Файрат Қориева палари бузруквори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.